



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 19 - Mart

5064 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Ганжаев Зафар Оллашукур
ўғлининг турар жой биносига бўлган
эгаллик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Қумбодок” маҳалласида яшовчи фуқаро Ганжаев Зафар Оллашукур ўғлининг “Қумбодок” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 26 январдаги ШЯ-Г-278-сонли аризасини, “Қумбодок” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 15 январдаги 80-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Қумбодок” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 57,4 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 138,6 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 196,0 квадрат метр, қурилиш ости майдони 255,0 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Ганжаев Зафар Оллашукур ўғлига мулк ҳуқуқи асосида унга эгаллик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Ганжаев Зафар Оллашукур ўғлига ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Ганжаев Зафар Оллашукур ўғлига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев